

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг 14 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг сайёр суд мажлиси “Ойбек” МФЙ биносида бўлиб, судья Ш.Шерматов раислигида, судья ёрдамчиси Х.Мамадалиевнинг котиблигида, томонлардан Миробод туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Дадажонов, судланувчи У.Кушматов ва унинг ҳимоячиси “MIROBOD ADVOKATLARI” адвокатлар ҳайъати адвокати Н.Холбековаларнинг иштирокида 1-1002-2106/691-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Кушматов Умаржон Джураевич (KUSHMATOV UMARJON DJURAYEVICH), 1960 йил 22 октябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ажрашган, маълумоти ўрта, Бектемир тумани ТОбДа ишчи, муқаддам

1) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2000 йил 23 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж” банди билан айбдор деб топилиб, 20 йил муддатга озодликдан маҳрум жазоси тайинланган (судланганлик ҳолати тугалланган);

2) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2015 йил 11 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум жазоси тайинланган, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар судининг 2019 йил 12 мартдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан, ўталмай қолган 3 йил 5 ой 18 кун муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини худди шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2020 йил 26 ноябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 75-моддасига асосан, унга алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан озод этилган, Тошкент шаҳар Миробод тумани 7-тор кўчаси 29 уйда истиқомат қилади, унга нисбатан шахсий кафиллик эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.



Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни муҳокама қилиб, тарафлар музокараси ва судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Кушматов, муқаддам Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2015 йил 11 декабрдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум жазоси тайинланиб, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар судининг 2019 йил 12 мартдаги ажримига асосан ўталмай қолган 3 йил 5 ой 18 кун муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини худди шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2020 йил 26 ноябрдаги ажримига асосан унга алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан озод этилган бўлишига қарамасдан, 2021 йил 31 октябрь куни соат тахминан 10:30 ларда, Миробод тумани Қўйлиқ-1 даҳаси 20-уй олдида кетаётган вақтида, Миробод туман ИИО ФМБ ЖҚБ тезкор вакиллари томонидан тўхтатилиб, холислар иштирокида кўздан кечирилганда, эгнидаги шимининг ўнг чўнтагида жигар рангли пластилинсимон модда борлиги аниқланган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2021 йил 1 ноябрдаги 2/985-сонли хулосасига кўра, У.Кушматовдан олинган жигар рангли пластилинсимон модда таркибида тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда гашишлиги, оғирлиги 1,37 граммга тенглиги аниқланган.

Судга оид наркология экспертизанинг 2021 йил 3 ноябрдаги 1131-сонли далолатномасида, У.Кушматовда гиёҳвандлик касаллиги аниқлангани ва шу сабабли мажбурий даволанишга муҳтожлиги лекин у олтмиш ёшга тўлганлиги муносабати билан унга мажбурий даволаш зарарли деб кўрсатилган.

Судланувчи У.Кушматов судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 2021 йилнинг 31 октябрь соат тахминан 10-30 ларда ишдан қайтганлиги, Миробод тумани Қўйлиқ-1 даҳасида дўкондан спиртли ичимлик олиб чиқиб дўкондан чиқиши билан фуқаролик кийимидаги ўзини ИИО ходими деб таништирган шахслар келишиб, уни шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қилишини сўраганлигини, шундан сўнг у уларга ўзини таништирганидан сўнг, улар ёнида ноқонуний нарсалар бор ёки йўқлигини сўрашганлигини, у ўз ўрнида ёнида ноқонуний нарсалар йўқлиги ҳақида билдирганлигини, шундан



сўнг улар икки нафар холислар иштирокида уни шахсий тинтув қилишганлигини, видео тасвирга олган ҳолатда тинтув қилишни бошлашганлигини, тинтув жараёнида уни эғнида бўлган кулранг шимнинг ўнг томон чўнтагидан қора рангли гиёҳванд моддасини олишгандан сўнг, у уларга ушбу нарса гашиш эканлигини ва ўзини истеъмоли учун олиб юрганлиги ҳақида айтганлигини, ундан кейин ИИО ходимлари ундан гиёҳвандлик моддасини олишиб конвертга солишиб, холислар иштирокида мухрлашганлигини, туман ИИО биносида ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини, ушбу гиёҳвандлик моддасини “Чирчиқ” дарёсининг бўйидан топиб олганлигини ва истеъмол қилиш учун ёнида сақлаб юрганлигини, ушбу моддани сотишга ёки ўтказишга мақсади бўлмаганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ М.Хомидов судда, ҳақиқатан ҳам у 2021 йил 31 октябрь куни соат тахминан 10-30 ларда Миробод тумани Қўйлиқ -1 даҳасида Сайхун номли кафенинг олдидан кетаётган вақтида икки нафар фуқаролик кийимида шахслар келиб ўзларини ИИО ходимлари деб таништириб, уни бир тадбирда холис сифатида иштирок этишга жалб қилишганлигини, у розилик билдирганлигини, ИИО ходимлари ундан ташқари яна бир шахсни холис сифатида иштирок этишга жалб қилишганини, сўнг ходимлар уларни иштирокларида спиртли ичимликлар дўконидан чиқаётган шахсни тўхтатишиб, ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим қилишини сўрашганлигини, у ўзини Кушматов Умаржон деб таништирганлигини, ИИО ходимлари унинг олдида ноқонуний нарсалар бор ёки йўқлигини сўрашганлигини, шундан сўнг У.Кушматовни шахсий тинтув қилишганлигини, улар тинтув ўтказган вақтида эғнидаги кулранг шимнинг ўнг томонидан жигар рангли ўткир ҳидли пластилинсимон моддани олиб ушбу модда нималигини сўрашганида, У.Кушматов гиёҳвандлик моддаси, яъни гашиш эканлигини ва ўз истеъмоли учун олиб юганини ҳақида билдирганлигини, Бектемир туманидаги “Чирчиқ” дарёси бўйидан топиб олганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг ИИО ходимлари олинган нарсани уларнинг иштирокида конвертга солишиб, ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини ва улар ҳаммаси биргаликда 4-сонли ИИБ биносига боришганлигини ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Ахмедов дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатуви тарафлар розилиги билан судда ўқиб эшиттирилди.

Юқоридагилардан ташқари, суд, судланувчи У.Кушматовнинг айби ишдаги билдирги, далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома, суд-кимёвий экспертизаси хулосаси ва фото иловалар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қабул қилиш-топшириш баённомаси, квитанция ва суд-наркологик экспертизаси хулосаси билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 27-бандида “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шахснинг ЖК 270-моддаси иккинчи қисми «а» банди, ЖК 271-моддаси иккинчи қисми «а» банди, ЖК 273-моддаси учинчи қисми «а» банди, ЖК 274-моддаси иккинчи қисми «а» банди, ЖК 276-моддаси иккинчи қисми «б» банди билан жиноий жавобгарлиги, у муқаддам ЖК XIX бобида назарда тутилган бирон-бир содир этган жинояти учун судланган ҳолдагина келиб чиқади. Агар шахс муқаддам содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод этилган ёки судланганлик ҳолати тугалланган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, қилмиш мазкур белги билан квалификация қилиниши мумкин эмас.” деб кўрсатилган.

Суд судланувчи У.Кушматовнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этгани учун судлангандан кейин, гиёҳвандлик воситаси бўлган гашиш моддасини ўтказиш мақсадини кўзламасдан, сақлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи У.Кушматовга нисбатан жазо тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, унинг шахсини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўлиб қасддан янги жиноят содир этганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига иқрорлиги ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, ёшини, жиноят содир қилганидан сўнг тўғри кўрсатувлар бериб ўз жиноятини фош этишда дастлабки тергов органига фаол ёрдам берганлигини инобатга олиб, унинг ахлоқан тузалиши учун етарли бўлган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини қўшимча чеклашлар билан бирга тайинлашни лозим деб топди.



Суд иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 1,17 грамм “Гашиш” гиёҳ вандлик воситасини экспертизада сарфланган миқдорини инобатга олган ҳолда йўқ қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд У.Кушматовга нисбатан наркологик экспертиза хулосасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлламасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Кушматов Умаржон Джураевич (KUSHMATOV UMARJON DJURAYEVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбдор деб топилсин.

Кушматов Умаржон Джураевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан сутканинг 21:00 дақиқасидан соат 6:00 дақиқасига қадар яшаш жойидан чиқишни чеклаш тарзидаги 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

У.Кушматовнинг зиммасига жазо ўташ даврида Миробод туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Тошкент шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслик ва гиёҳванд шахслар билан алоқа ўрнатмаслик тарзидаги қўшимча чеклашлар юклансин.

Озодликни чеклаш жазоси У.Кушматов жазо ижросини назорат қилувчи органда ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин. Озодликни чеклаш жазосини ўташни назорат қилиш Миробод туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

У.Кушматовга жазони ўташ даврида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида белгиланган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Унга нисбатан қўлланилган шахсий кафилик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган қуритилган ҳолда 1,17 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси табиий йўқолган вазни ва экспертиза вақтида сарфланган миқдорини инобатга олинган ҳолда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ҳукм чиқарган суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш.Шерматов

